



# ЎЗБЕКИСТОН



## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТЕЪМОЛ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 26 март куни энергия ресурсларини иқтисод қилиш, истеъмол самарадорлигини ошириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Энергия ресурсларининг энг кўп сарфи, аввало, иқтисодиёт тармоқларига тўғри келади. Эски даврларда қурилган заводлар экология ва энергия самарадорлик талабларига жавоб бермаган. Йиллар давомида модернизацияга етарли эътибор берилмаган. Баъзи жойларда электр ва газ қуллаб бўлмаган. Саноат корхоналарида истеъмол ва йўқотишлар кўп бўлган.

Шу боис, сўнгги йилларда иқтисодиёт соҳалари энергия самарадорлик жиҳатидан янгиленмоқда. Йирик корхоналар ва энергетика тармоқлари кесимида алоҳида дастур амалга оширилмоқда.

2030 йилга бориб, мамлакатимиз аҳолиси 41 миллионга етиши, иқтисодиёт 2 қарра ўсиши кутилляпти. Бу энергия ресурсларига бўлган талабни ҳозиргидан 1,5 қарра оширади. Шунинг учун янги лойиҳаларни ишга тушириб, қувватни кўпайтириш билан бирга энергияни тежаш чораларини кўриш зарур.

Йиғилишда мутасаддилар шу борадаги ишлар ва келгуси режалар тўғрисида ахборот берди.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, ўтган йилги тажрибани давом эттириб, жойларда энергияни тежаш имкониятлари олимлар иштирокида илмий асосда ўрганилмоқда. Хусусан, Самарқанд, Сирдарё ва Жиззахдаги ўрганишларда 870 миллион киловатт-соат электр ва 420 миллион куб метр газни иқтисод қилишнинг янги имкониятлари аниқланди. Масалан, бу вилоятлардаги кичик ва ўрта саноат корхоналарида 35 мингга яқин эскирган ускуналарни тежамкорига алмаштириб, йилга 385 миллион киловатт-соат электр ва 50 миллион куб метр газ тежаш мумкин.

Туман ва маҳаллаларда энергияни иқтисод қилиш бўйича имкониятлар жуда кўп. Масалан, 300 та маҳаллада 100 мегаваттлик кичик кўёш станциялари барпо қилиб, шу йилнинг ўзига 45 миллион куб метр газ тежаса бўлади. Бундан ташқари, канал ва сойларда қуриладиган мингдан зиёд микро ГЭСлар ҳисобига қўшимча 175 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқарилади.

Кўчаларни ёритишга ҳам йилга 200 миллион киловатт электр сарфлянапти. Кўёш панели чироқлар ўрнатилса, истеъмол 2 қарра камаёда.

Шу каби имкониятлар ҳисобидан бу йил 1,1 миллиард куб метр табиий газ ва 2,6 миллиард киловатт-соат электр иқтисод қилиш бўйича қўшимча режа олинди. Давлатимиз раҳбари, биринчи навбатда, йирик саноат корхоналарида замонавий тежамкор ускуналар ўрнатиш, энергия исрофини камайтириш зарурлигини таъкидлади. Хукуматта бу соҳада янгица ижро ва назорат тизимига ишлаш топширилди.

Ишхоналар ва уй-жойларда энергияни тежаш маданиятини ошириш ҳам муҳим. Электр ва газни беҳудага қўйиб қўймаслик, кўёш панеллари ва бошқа муқобил манбалардан фойдаланиш ҳам анча ҳажмни тежайди.

Фарғона водийси вилоятларида аҳоли зич жойлашганини ҳисобга олиб, уларни энергия билан таъминлашда алоҳида ёндашув ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу тажриба босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

ЎЗА

**Ота-боболаримиз Рамазонни чинакам яхшилик оий дейишади. Зеро, ушбу ойда меҳр-оқибат, хайру саховат янада зиёда бўлади. Шу йил 25 март куни давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган ифторлик маросимида ҳам айна жиҳатлар ёдга олиниб, ушбу шарофатли ойда гўзал диёримизда мана шундай файзли маросимни эл-юртимиз билан биргаликда ўтказиш насиб этгани учун Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтилди.**

## ҲАЁТ ЭЗГУЛИК, ЯХШИЛИК ТУФАЙЛИ ЁРУФ ВА БАРДАВОМДИР

Давлатимиз раҳбарининг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинганга ҳам бир ой бўлибди. Уша пайт ушбу ҳужжатда халқимиз учун эзгулик, бирдамлик, олижаноблик ва шукрона тимсоли бўлган кутлуғ Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда улуглаша доир қатор вазифалар белгиланганини ўқиб, барчамиз хурсанд бўлганимиз айна ҳақиқат. Бинобарин, ўтган вақт мобайнида юртимиз бўйлаб ҳам давлатимиз, ҳам саховатпеша юртдошларимиз томонидан беҳисоб хайру саховат тадбирлари, савоби амаллар бажарилди. Фазилатли ой давомида юртимиздаги 9,5 мингга яқин маҳаллада кам таъминланган

ва эҳтиёжманд оилаларда ифторлик дастурхонлари ёзилгани бу борадаги хайрли ишлардан бир шингил, холос.

“Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик оий” широри остида ўтказилган бундай хайрли маросимлар инсон қадрини улуглаш, пок мақсадли барча юртдошларимизни янада бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “...Чиндан ҳам, бу ҳаёт айнан эзгулик ва яхшилик туфайли доимо ёруф ва бардавомдир”.

Кўйида бир ғуруҳ юртдошларимизнинг давлатимиз раҳбарининг ушбу ифторлик маросимидаги нутқига доир фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

► Давоми 2-бетда

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясида хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси раиси, Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.**

## ИККИ МИЛЛИОН ИШЛИ АЁЛ БУ ШУНЧА ОИЛАНING ТУРМУШИ ЯХШИЛАНДИ, ФАРОВОНЛИГИ ОШАДИ ВА ДАВЛАТДАН РОЗИ БЎЛАДИ ДЕГАНИ

Видеоселектор йиғилишида марказий студиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова, вазирилик ва идоралар раҳ-

барлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси ва тармоқ қасаба уюшмалари республика кенгашлари мутасаддилари қатнашди.

► Давоми 4-бетда

## ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛЛАР ЛОГИСТИКА ЗАНЖИРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Давлатимиз раҳбарига автомобиль йўллари қуриш лойиҳаларининг бориши тўғрисида ахборот берилди.**

Мамлакатимизда жами 184 минг километрдан зиёд автомобиль йўли бор. Таҳлилларга кўра, халқро аҳамиятга эга йўлларимизнинг 25 фоизи катта юкламада ишлаяпти. Масалан, кунинга 32 минг автомобилга мўлжалланган “Тошкент — Самарқанд” йўлида 45 мингга транспорт қатнапти. Тирбандлик сабабли баъзан бунга 6 соатгача вақт кетаяпти. 2030 йилга бориб, ҳаракат жадаллиги 80 мингдан ошиши мумкин.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига замонавий автомобиль йўллари ташкил этиш истиқболлари белгиланган эди. Бундан кўзланган асосий мақсад, биринчи навбатда, аҳолига қўлайликлар яратиш, миллий иқтисодиётда логистика занжирларини мустаҳкамлашдир.

Мазкур қарорга мувофиқ, Тошкентдан Самарқандга ва Андижонга элтувчи муқобил йўллар қуриш устида иш олиб борилаётган эди. Жумладан, Жаҳон банки иштирокида “Тошкент — Андижон” йўли лойиҳалаштирилди. Январда уни қуриш бўйича халқро тендер эълон қилинди. Қисқа вақтда унга 30 дан орტიқ нуфузли хорижий компаниялар қизиқиш билдирди.

Умумий узунлиги 314 километр бўлган бу тезорар магистрал

фойдаланишга топширилиши натижасида Тошкент билан Андижон орасидаги қатнов вақти 5 соатдан 3 соатгача қисқаради. Шунингдек, бу яли ички маҳсулотни 2,6 фоизга ошириб, автохалокатларни 40 фоизга камайтириш имконини беради.

Яна бир лойиҳа Тошкент билан Самарқандни боғловчи қўшимча йўл қуришга қаратилган. Хорижий мутахассислар иштирокида унинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган. Бу янги йўлнинг узунлиги 300 километр атрофида бўлади. Унинг натижасида Тошкент билан Самарқанд ўртасида қатнов вақти 4,5 соатдан 2,5 соатгача қисқаради. Ҳозирги мавжуд йўлда тирбандлик анча камаёда.

Умуман, бу янги йўллар барча замонавий талабларга жавоб берадиган, муқобил ва қўлай бўлади. Уларда ҳайдовчи ва йўловчилар учун турли пуллик хизматлар йўлга қўйилади. Бунёдкорлик жараёнида маҳаллий қурилиш корхоналари ҳам қатнашиши мумкин бўлади.

Транспорт вазири мазкур лойиҳалар ҳолати бўйича тақдирот қилди. Геодезия ишларини жадаллаштириб, йўллар ҳудудини тайёрлаш, қурилишга маблағ ва пулратчиларни жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар туфайли халқимиз фаровонлигини ошириш, кўпмиллатли жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Буларнинг барчаси бағрикенглик, саховат ва шукроналик тимсоли бўлган муборак Рамазон ойини мамлакатимизда тинч-тотув, файзли ва шукрули муҳитда ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунини эл-юртимиз ўртасида инсонларарлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, кам таъминланган ва эҳтиёжманд шахслар, ёрдмга муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби юксак инсоний фазилатлар айна кунларда янада яққол намоён бўлаётгани ҳам тасдиқлайди.

Улуг айём — муқаддас Рамазон Ҳайитини ана шундай хайрли ишларни изчил давом эттирган ҳолда ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, ўтказиш ва унинг моҳиятида мўжассам бўлган эзгу қадрият ва аъноаларни кенг тарғиб этиш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Жорий йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи кунини **30 март** — **якшанба** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2025 йил **30 март** куни Рамазон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.


2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ:

а) ишланмайдиган байрам кунини ҳисобланувчи Рамазон Ҳайитининг биринчи кунини 2025 йилда

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри, 2025 йил 26 март

**Ш. МИРЗИЁЕВ**



**Кунини кеча муборак Рамазон оий муносибати билан ташкил этилган ифторлик маросимида қатнашдик. Мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб ёзилган эҳсон дастурхони атрофида жам бўлган минглаб юртдошларимиз иштирокидаги улкан саховат, бағрикенглик, меҳрли сиёсат издиҳомиди Президентимиз сўзлаган нутқ мазмун-моҳияти барчамизга маънавий қувват ва руҳий озик берди.**

Эзгулик ва хайрли амаллар қанот ёзади. Элдаги шукроналик кут-баракат бўлиб ёғилади. Давлатимиз раҳбарининг нутқини жон қулогимиз билан тинглар эканмиз, кўз олдимизда бўлаётган тарихий ўзгаришлар руҳидан қувонч ҳиссини туя бошлаймиз.

Ана шу кўтаринки кайфият таъсирида тадбирдан чиқиб, хаёлимдан ўтган гулгўн фикрларни қозғога тиза бошладим.

**Сенда бўлса — элга ўтар, элда бўлса — сенга**

...Шаҳарнинг сершовқин ва тирбанд кўчаларида баҳор нафаси кезади. Йўл четидидаги ўрик ва олчалар қийғос тулган. Ёмғирдан сўнг ҳаводан тоғ нафаси келади. Бундай вақтда сайр қилиш тан ва руҳга қувват беради. Сайрдан сўнг яна иш томон келар эканман, банкومات ёнидаги киши иши биттач, тез юриб олинган ўтди. Беш-олти қадам нарида уни ёши элликка яқинлашган ҳароҳи кутиб турарди. Ўрта бўйли, бугдой ранг бу киши йўғон овозда йўлдошини сўроққа тутди:

— Банкومات ишлаяптими, узоқ қолиб кетдингиз?

— Ишлаяпти, нақд долларин бор эди, банкوماتда сўм қилиб, бирдан пластик картага тушириб олдим. Уйга пул зарур экан, картадан ўтказиб юбордим.



— Шу банкوماتлар қўлай бўлиб қолди, — деди боғи киши ўша-ўша йўғон овозда. Ҳароҳи унинг гапини тасдиқлади. Сўнг иккиси яна нималарнидир гаплашиб мендан олинди. Уларнинг сўхбатидан сўнг яқин йиллардаги ўзгаришлар ҳақида ўйлаб кетдим.

Ҳозир банкوماتдан пулни нақд қилиш, валютани эркин алмаштириш оддий ҳол. Ваҳоланки, яқин-яқингача валюта алмаштириш, пластик картаимиздаги пулни нақдлаштириш ёки у орқали тўлов қилиш азоб эди. Хусусан, валютанинг қора бозор ва банкда алоҳида нархи бўларди. Биргина ҳаётини мисол, машина сотиб олиш учун қора бозордан қиммат курсда валюта олинар ва автосалонга банк белгиланган арзон қийматда топшириларди. Ана шу орадаги фарқнинг ўзи каттагина йўқотиш ҳисобланар, маблағ айланмасидидаги бу каби сунъий тўсиқлар оёққа солинган тушув эди. Шундай вазиятда тадбиркорлик қилиш, бир сўмни икки сўмга айлантириш қанчалик машаққат эканини соҳа одамлари яхши билади.

Ўшанда ҳар йили юзлаб тадбиркорлар банкротлик эълон қиларди. Қизғин, яна шунча миқдорда янги тадбиркорлар пайдо бўларди. Чунки банкрот бўлган ҳам, янги иш бошлаган ҳам аслида бир кишига тегишли, ҳужжатда раҳбари ўзгарган субъектлар эди. Улар шу орқали солиқдан қочар, айланма маблағини яширишга уринарди. Ачинарлиси, уларга имконият бериш, тадбиркорга ҳам маддадор кераклигини тушуниш ўринга соҳага янги тўсиқлар қўйиларди. Рўйхатдан ўтиш йил сайин қийинлашиб борар, банкротликка қарши курашининг янги йўллари ўйлаб топиларди. Оқибатда тадбиркор вақти, қуввати ва маблағини ташкилотни тутатиш ва янгисини ташкил этиш учун асос топшишга сарфларди. Лўнда қилиб айтганда, тадбиркорнинг ишибилармонлиги, уқув яшаб қолиш йўлини ахтаришга сарф этиларди.

Табиики, солиқлардан қочиш ва ташкилотни банкротликка тайёрлаб бориш учун маблағ нақд пул шаклида айлантирилди. Бу ўз-ўзидан бозорга таъсир этарди. Дўконларда пластик карта орқали савдо қилиш деярли им-

якшанба — дам олиш кунига тўғри келиши муносибати билан ушбу дам олиш кунини 31 март — душанба кунига кўчирилиши;

б) бунда ишлаб чиқариш-техник ва ташкилий шароитлар (мавжуд узлуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар кун хизмат кўрсатиш, навбатчилик асосида ишлаш ва бошқалар) туфайли ишланмайдиган байрам кунларини тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунларини кўчирилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон Ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун** ҳолда ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм қўмитаси Транспорт вазирилик билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон Ҳайити кунларида **мўтабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимоларга зиёратларини ташкил этиш** мақсадида қўлай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

► Давоми 3-бетда

# Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик оёи ҲАЁТ ЭЗГУЛИК, ЯХШИЛИК ТУФАЙЛИ ЁРУФ ВА БАРДАВОМДИР

Бошланиши 1-бетда

## ФАЗИЛАТЛИ ОЙДА ҚИЛИНГАН ДУОЛАР ИЖОБАТИ



**Меҳмонхон ЖАББОРОВ,**  
Жиззах вилояти  
бош имом-хатиби

Рамазон мусулмон оламида энг муборак ва фазилатли ойлardan бири ҳисобланади. Муқаддас китобимиз — Қуръони карим ҳам ушбу ойда нозил қилинган. Рамазон оёида Яратганининг раҳмат ва мағфирати ёғилади, ибодатлар қабул, дуолар ижобат, хайрли амалларга беҳисоб савоблар ёзилади. Шунинг учун барча ушбу ойда савобли ишлар қилишга ошқайди.

Рамазон оёининг энг хайрли тадбирларидан бири рўздор кишиларга бериладиган ифторликдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан муборак Рамазон оёида мамлакатимиздаги нуруний оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, турли дин, миллат ва конфессиялар вакиллари иштирокида ифторлик ўтказиш анъанасига айланган борапти. Ҳеч шубҳасиз, мана шундай тадбирлар кўпмиллатли халқимизни бир-бири билан янада яқинлаштиради, ўзаро меҳр-оқибатни зиёда қилади. Аҳамиятлиси, давлатимиз раҳбари ифторлик маросимида шахсан иштирок этди.

## ТИНЧЛИК БЕРГАН НЕЪМАТ

**Полвон Тўлиев,**  
“Нуруний” жамғармаси  
Қарши тумани бўлими раиси

Шундай улуг айём кунларига етказганига шукр. Кўп олисда эмас, айнан бизнинг болалигимиз ўтган даврларга эътибор қаратадиган бўлсак, кишида ачинаши ҳисси пайдо бўлиши шубҳасиз. Ёшим етмишга яқинлашиб қолди. У пайтлари инсон қадр деган тушунчанинг ўзи бўлмаган, десам адашмаган бўламан. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳиси кўпчилигимизнинг бахтли ва нурафшон кунларимизни ўтириб ўтириб. Пахта даласи, ёшим, қарини, байрам ёки яхши кунни, фарқламасди, сўраб ўтирмади. Ҳаётимизда фақатгина иш, меҳнат бор эди, назаримда. Инсонийликдан, қадрдан гап очсангиз, ё ялқовга чиқардингиз, ё хоин бўлардингиз.

Ортада қолгани рост бўлсин. Мана, инсон ўзи истогандек ҳаёт кечирishi мумкин эканку! Аслида, бугун ҳар бир ўтган вақтнинг қадрига етишимиз керак.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида 25 март кунини бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган ифторликда фахрийлар, ёши улуг кексалар, турли миллат вакиллари, меҳмонлар иштирок этди.

Кўп қатори мен ҳам қатнашдим. Барчамизнинг кўнглимиз шодланди. Яратганга илтижо қилиб, элимизга тинчлик, фаровонлик тиладик. Билсангиз, бунинг замирида инсон қадрини юксалиши, меҳр ва оқибат, тинчлик, барқарорлик деган бебаҳо неъмат ётибди. Албатта, Рамазон оёида халқимизга ҳос одад бор, бу хайр-саховат ҳисобланади. Шундай




**Хушхабар**

Президентимиз ўтган йили 19 март кунини “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятига ташрифи давомида янги вагон ишлаб чиқариш бўйича топшириқ берган эди. Шундан келиб чиқиб, бу ерда “Янги Ўзбекистон” номли замонавий дизайнга эга йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Файзли ва барокатли Рамазон оёида миллатлар ва динлараро тотувлик, аҳиллик ва ҳамжихатлик, меҳр-мурувват, кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган ҳамда эҳтиёжманд инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек эзгу фазилатларимиз янада кенг намоён бўлмоқда.

## ХАЙРЛИ ИШЛАРДА ШАХСИЙ НАМУНА УСТУВОР



**Манзура ВАЛИЕВА,**  
Шайхонтохур туманидаги  
“Янгиобод” маҳалла фуқаролар  
йиғини раиси

Жумладан, жойларда кам таъминланган ва боқувчисиз йўқ оилалар, ногиронлиги бўлган кишилар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, ифторлик тадбирлари ташкил этилаётгани, кўплаб оилаларга ифторлик тадбири учун турли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилганлиги халқимизнинг нақадар саховат-пешалигини кўрсатади.

Кунини кеча юртимиз бўйлаб ташкил этилган ифторлик тадбирида ҳам Қуръони карим оятлари тиловат қилиниб, дунёга тинчлик, мамлакатимизга ободлик, хайрли ислохотларга бардавомлик, оилаларга осуда, фаровон ҳаёт, фазилатли ижобат, дуога қўл очилди. Тадбирда давлатимиз раҳбари юртимиз ҳождарининг ҳам кўллаб хайрли

ишларда шахсий намуна кўрсатиб, ўрнатқуч бўлаётгани барчамизни хурсанд қилаётгани ҳақида гапириб, бундай савобли ишлар учун уларга чин қўнгилдан ташаккур айтганимиз, деган сўзларини бевоқиф тинглаб, маҳалламиздаги фидойи инсонлар кўз олдидан ўтди.

Худудимизда 20 нафардан ортиқ ҳожи бор. Улар ҳар ишда бизга кўмакчи бўляпти. Ёшлар билан маърифий учрашувлар ташкил этиши, тарбиявий ишлар олиб бориш каби режаларимизни ҳождаримиз тасаввур этолмаймиз. Айнан уларнинг ташаббуси билан кам таъминланган, боқувчисиз йўқотган, эҳтиёжманд оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб келинади. Улар ўсиб келаятган ёш авлод ватанпарвар, маънавиятли, маърифатли, ота-онасига, юртга хизмат қилаётган содиқ, солиҳ фарзандлар бўлиши учун ўз хиссасини қўйишга бел боғлаган.

Наврўз байрами арафасида маҳалламиз аҳли билан ташкиллаштирилган кўчат экиш тадбирида ёшлар қатори нурунийларимиз ҳам гайрат кўрсатди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига ҳисса қўйишни ўзига бурч деб билган ҳождаримиз иштирокида маҳалламиз ҳудудига кўллаб дархат ва гул кўчатлари экилди, масжид ва қабристон атрофлари обод қилинди.

Дарҳақиқат, фарзандларимизни илм-маърифатга тарбия этиши, ёт гоилар таъсиридан сақлаш борасида имом-хатибларимиз, кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз, маҳалла фаоллари, ҳождаримизнинг ўрни беқиёс. Айниқса, табаррук жойларда зиёратда бўлган ватандошларимиз ибратли фазилатлари, жамият ҳаётидаги фаол иштироки билан барчамизга намуна бўлмоқда.

**Жамила ШЕРМУҲАММЕДОВА,**  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

Давлатимиз раҳбари Президентлик лавозимига киришган илк кунлардан бошлаб жонажон ватанимизнинг барқарор тараққиёти, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаши, юртдошларимизнинг фаровонлигини ошириш, бугунги кундан розилигига эришиш каби олижаноб мақсадлар йўлида жуда тизимли фаолият юритмоқда. Кейинги икки-уч ҳафтани олайлик: давлатимиз раҳбари Францияга давлат ташрифи билан борди, Тошкент шаҳридаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди, кейин Самарқандда бўлди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ  
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



## ИЛМУ МАЪРИФАТ ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Бу орада қатор давлатлар раҳбарлари билан мулоқотда бўлди, делегацияларни қабул қилди, халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашди. Мамлакатимизнинг қатор соҳа ва тармоқларини ривожлантириш бўйича йиғилишлар ўтказди. Қолаверса, олдидан кутилаётган бундан ҳам муҳим учрашувларга тайёргарлик кўрилмоқда.

Энди тасаввур қилинг: Президентимиз мана шундай тизимли иш режимида қарамай, 25 март кунини ифторлик маросимида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик — бизнинг энг катта бойлигимиз, деяр алоҳида қайд этди. Бу нимадан далолат беради? Албатта, тинчлик, хотиржамлик ва ҳамжихатлик ҳукм

сурган жойда ҳеч ким, ҳеч қачон ҳор бўлмайди. Бундай юртга барака ёғилади, инсон том маънода қадр топади.

**“**Рамазон оёида адо этиладиган солиҳ амаллар эвазига мўмин-муслимонлар кўпдан кўп ажр-савобга эга бўлади. Чунки табаррук ойда Аллоҳ таолонинг раҳматини мағфирати ҳар қачонгидан-да кўпроқ тушади.

Юртдошларимиз Президентимизнинг “Муборак Рамазон оёини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида

халқимиз учун эзгулик, меҳр-оқибат ва шукроналик тимсоли бўлган қўтлуғ ойни қадр тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда миллий анъана ва қадриятларга ҳамоҳанг тарзда муносиб ўтказмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, кўллаб саховатпеша инсонлар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари ҳолидан хабар олиб, хайру саховат, инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатяпти.

Қайд этилгандек, бугун мамлакатимизда “Инсон қадрини унутмас, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя ҳамма ишда асосий дастурга айланмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, виждон эркинлиги таъминланаётгани Рамазон оёида янада яққол намоён бўляпти. Муқаддас динимиз буюрган хайрли амаллар — аҳиллик ва ҳамжихатлик, меҳр-саховат, сабуру қаноат,

раҳбарини Франциянинг энг юксак давлат мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлагани ташрифининг энг қўтлалган воқеаси бўлди.

Бу орденининг берилиши алоҳида хизматларнинг давлат даражасида эътироф этилиши ва шон-шарафининг энг юқори белгисидир. Таъсис этилганидан буён халқаро даражада юксак нуфуз ва обрў-эътиборга эга шахслар бу мукофотга муносиб кўриб келинган.

Мазкур ордени ҳозиргача Франция ва дунёдаги энг нуфузли мукофотлардан бири бўлиб қолмоқда. Давлатимиз раҳбари шарафига Елисей саройида уюштирилган давлат қабул маросимида юқори мартабали меҳмон ҳурмати учун Франция Президентини Эммануэль Макрон ўзбек тилида сўзлагани таҳсинга сазовор. Франциядек қудратли давлат раҳбарининг ўзбек тилида лутф қилиши дунё жамоатчилигини хайратлантирди.

Кунини кеча ёзилган ифторлик дастурхонидан барча миллат ва элат вакиллари жам бўлди. Бу ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистон



**Шухрат РИЗАЕВ,**  
Маданият вазирлиги хузуридаги  
Кинематография агентлиги  
директори

## ҲАМЖИХАТЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ НИШОНАСИ

Рамазон — одамлар учун ҳидоят манбаи. Яхшилик, меҳр-мурувват, саховат, жисмоний ва руҳий покланиш оёи. Фазилатларга бой муддат. Шунинг учун ҳам инсонлар эзгу амаллар қилишга ошқайди. Ўзаро бирдамликка интилади.

Бу ойда тутилган рўза, албатта, савобли ишлар билан яшагача ўргатиш баробарида раҳм-шафқат, сабр-бардош, бағрикенглик туғилуларини ҳам тарбиялайди.

Шу ўринда Рамазон оёида Президентимизнинг Францияга давлат ташрифи тўғрисида озгина тўхталиб ўтсам. Хусусан, Президент Эммануэль Макрон давлатимиз

бағрикенг, меҳмондўст мамлакат эканининг бир намунасида.

**“**Президентимиз халқимизни ҳаммисига ҳамжихат бўлишга, ҳамлашиб яшаш ва меҳнат қилишга даъват этади. Ифторликда қатнашган юртдошларимиз мамлакатимиздаги тинчлик, осудалик, ободлик ва фаровонлик бардавом бўлишини тилаб дуолар қилди.

Қадр кечаси арафасида бўлган ушбу тадбирда қилган дуоларимизни Яратган Ўзи ижобат қилсин.

ахлоқ-одоб, илму маърифат фазилатлари жамиятимизда тобора мустаҳкам қарор топяпти.

Энг асосийси, бугун азалдан тарихий, анъанавий дўстлик риштлари, дин муштараклиги, урф-одат ва маданий қадриятларнинг ўхшашлиги каби умумий жиҳатлар боғлаб турган қўшни мамлакатлар билан чегараларимиз очик, қардош ва биродарларимиз билан дўстона муносабатларимиз кундан кун яхшиланмоқда. Зеро, дўстлик инсонларни, шу билан бирга, давлатларини ҳам бир-бирига боғлайдиган, доимо эзгуликка чорлайдиган буюк фазилат.

Таъкидлаш жоизки, саховат, бирдамлик ва бағрикенглик оёида эҳтиёжмандлар, илм-маърифат йўлида изланаётган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила риштларини мустаҳкамлаш каби хайрли ишлар амалга оширилади. Шунингдек, маҳаллаларда ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини қучайтириш, ҳурмат ва меҳр-оқибат қадриятларини тантанам этиши, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, муқаддас қадимки, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, кўчат экишдек динимиз ҳам, анъаналаримиз ҳам ёқлайдиган ишлар қилинаётгани барчамизни хурсанд қилди.

**“**Илоҳим, ватанимиз янада обод, халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик муҳити барқарор бўлсин.

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” НОМЛИ ВАГОНЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Узунлиги 26 метрли йўловчи вагонлари қўлай ва кенг купели ётоқ жойга эга. Ҳар бир купе ҳаво ҳароратини назорат қилувчи алоҳида қурилмалар билан жиҳозланган. Шунингдек, замонавий электр чойнақ, мобил телефонни қувватлаш мосламаси, йўловчилар хотиржамлигини таъминлаш учун видеокузатув мосламалари мавжуд.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Заводда, шунингдек,

12 та вагондан иборат янги “дизель поезд” қисқа муддатда ўзлаштирилиб, Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналиши бўйича қановга қўйилди. Шу поезд 2 та ВИП, 4 та бизнес, 4 та экономи классдаги вагон, 1 та ресторани вагон ҳамда таркибини қувватлаш учун 1 та дизель вагонидан ташкил топган.

— Мазкур поездда кўплаб қўлайликлар мавжуд, — дейди “Тошкент йўловчи вагон-

ларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича директори Б.Эшмуродов. — Масалан, ёз ва қиш ойларида совитиш ҳамда иситиш тизими узлуксиз ишлайди. Поезд бошқа йўловчи вагонларида мавжуд бўлмаган технологик имкониятларга ҳам эга. Ишлаб чиқарилаётган йўловчи вагонлари қўшни давлатларга ҳам сотилмоқда.

Заводда ўтган йили 35 та йўловчи вагонини ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 70 тага етказиш кўзда тутилган. Келгусида улар сони йилга 100 тага етказилади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**  
журналист

Ортга қайтмас ислохотлар

# ИШОНЧ, ЖЎШҚИН ҚУДРАТ ИЗДИҶОМИ



Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бета

## Бугунги тадбиркор кечаги тадбиркор эмас

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 19 март кунини кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашув ўтказди. Ушбу учрашув кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун янги даврни бошлаб берди. Ана шу учрашув чоғида кўплаб тадбиркорларимиз давлат раҳбарига ташаббус ва таклифларини айтди. Ўз ўрнида уларнинг жўяли таклифлари қўллаб-қувватланди. Масъулларга зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Туб ислохотлар сабаб янги Ўзбекистон тадбиркорлари соҳада етакчи бўлиш, жаҳон бозоридан мустақам ўрин олиш ҳақида ўйлаётгани ишбилармонларга айланди. Уларнинг дунёқараши, шун тугуни ҳам тубдан ўзгарди. Чунки уларда эртанги кунга бўлган мустақам ишонч бор. Бу ишонч анъанага айланган учрашув, давлат раҳбари ва тадбиркор ўртасидаги очик мулоқотлар доирасида тобора мустақамлашиб бормоқда. Бундай мулоқотлар соҳадаги муаммоларни аниқлаш, масалаларга ечим беришда муҳим фактор бўлиб хизмат қилапти.

Ахир асл ҳолатни ўша соҳанинг эгалари яхши билади. Улар камчиликларни ҳам, ютуқларни ҳам келтириб чиқараётган омиларни таҳлил эта олади. Шунга қараб, қандай режа қилиш кераклигини ҳам билади. Шу боис, Президентимиз тадбиркорларни шахсан ўзи тинглапти. Масалалар ечимни учун замин яратиб бермоқда. Бунинг натижаси ҳам қувонарли, албатта. Хусусан, жорий йилдан кичик бизнесга 300 миллион сўмгача кредит берила бошланди. Энди охириги бир йилда йириклашиб, кичик ёки ўрта корхонага айланган тадбиркорларга шунинг 150 миллион сўми гаровсиз берилди. Шунингдек, оливалӣ тадбиркорлар ҳам 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит олиши мумкин бўлади.

Бизнесни молиялаштиришда муқобил манба сифатида венчур фондлар оммалашмоқда. Беш йилда улар иштирокчида 145 миллион долларлик 53 та стартап лойиҳа амалга оширилган.

Буни кенгайтириш мақсадида давлат банклари томонидан яна 3 та венчур компания очилиб, 50 миллион доллар фонд шакллантирилди. Хориждан ҳам яна 50 миллион доллар жалб қилинади. Бу бизнесни бошлаётган тадбиркорлар учун қўшимча имконият дегани. Муҳими, бундай лойиҳалар иқтисодиётга янги йўналиш, технология, инновация ва юқори қўшилган қиймат олиб киради.

Яқин-яқингача бундай рақам ва имкониятлар ҳақида хаёл қилиш ҳам мушкул эди. Ўзгаришлар сабаб янги Ўзбекистон ишбилармонлари халқаро миқёсда ўз ўрни ва бозорига эга бўлиб бормоқда. Биргина мисол, Президент билан мулоқотда “Tass Vision” компанияси

Шахзод Умрзоқов. — Беш йил ичида биз 7 та мамлакатда хизмат кўрсатиш даражасига эришдик. Эътиборли жиҳати, қамровимиз фақатгина МДҲ мамлакатлари эмас, балки Монғолия, Туркия, БААда ҳам фаолият юритамиз.

Еш тадбиркорнинг таъкидлашича, у асос солган компания суный интеллект асосида чакана савдонини оширишга ёрдам берар экан. Компания шу кунгача 130 та йирик чакана савдо компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйган. 1700 дан ортиқ дўконларга махсус дастур ўрнатиб берган. Ушбу дастур хари-дорларнинг қизиқиши, савдо жараёнини камера ёрдамида ўрганиб, маркетингини таҳлил қилиб беради.

Компания дастури орқали 2022 йилда миллий венчур фонддан 150 минг доллар инвестиция олган. Кечагина чиптачи бўлиб юрган йигитнинг компаниясини 2024 йилда халқаро венчур фондлар 7 миллион долларга баҳолаган. Бу “Tass Vision” 2 йил ичида миллий венчур фонд баҳосини 7 баробар оширган дегани. Энди еш тадбиркор иш кўламини янада кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш бора-бора изланиш олиб бормоқда. Ислохотларнинг самараси мана шундай аниқ рақамлар орқали буй кўрсата бошлагани қувонарли. Бундай ҳаётий мисоллар янги Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасидаги кескин ўсish ва ўзгаришнинг бир қанча муҳим жиҳатларини ўртага чиқаради.

Биринчидан, тадбиркорларда ислохотларга, эртанги кунга қучли ишонч пайдо бўлди. Энди улар қандай яшаб қолиш ҳақида эмас, дунё бозоридан ўрин олиш, хорижий ҳамкорларни кўпайтириш чоралари ҳақида ўйламоқда.

Иккинчидан, тадбиркорлик қилиш учун катта миқдордаги кредитлар олиш осонлашди. Айни пайтда бундай маблағларни ўзлаштириб, фаолиятини кенгайтиришдан чўчи-майгани ишбилармонлар сафи кескин ошди.

Учинчидан, энг муҳим фактор — тадбиркорларнинг дунёқараши ўзгарди. Улар энди махсулотни бир жойдан олиб, бошқа ерда сотадиган тужжор эмас. Балки махсулот ишлаб чиқариб, хомашёни маҳаллийлаштириш ҳақида изланиш олиб, бораётган том маънодаги ишбилармонлардир.

## Ўзгаришлар ҳаётийлиги


Дарҳақиқат, бугун тадбиркорларнинг дунёқараши бутунлай ўзгарган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади, бунга қандай эришдик?

Янги Ўзбекистон қисқа вақтда оддий ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Оддийлиги шундаки, тадбиркорлар учун ҳамма биладиган тўсиқларни йўқотиш керак эди. Бунинг учун рўйхатдан ўтишни осон ва шаффоф қилиш, солиқ тизимини ислох этиш, божхона, хорижий корхоналар билан валюта алмашишни содда-лаштириш, кредит олиш ва фаолиятни молиялаштириш каби йўналишларда туб ислохотларга зарурат бор эди. Мураккаблиги мазкур ислохотларни амалда бажариш, масъуллар ва тадбиркорлар дунёқарашини ўзгаришга олиш, уларни янгилашга ишонтириш эди.

Инсон дунёқарашини ўзгариштириб, жамиятда ишонч уйғотишдаи машаққатли юмуш йўқ. Шу боис, Амр Темур бобомиз “Салтанат тўнини қийғач, танимдан ҳаловат кетди”, деган эди. Янги Ўзбекистон қисқа вақтда мана шундай машаққатли йўлни мардона босиб ўтди. Натижа эса қувонарли!

Жамиятда тадбиркорлар тинч, эркин ва фаровон ҳаётимиз гаровидир, деган қатъий қарар шаклланди. Айни пайтда тадбиркор — элга мадақдор деган улкан масъулиятни зиммасига олган шахсларга имкониятлар, қўллаб-қувватлашнинг қонуний асослари яратилди.

Муҳими, ҳар бир ўзгариш ҳаётийлиги билан инсонлар қалбиди ишонч уйғотибди. Дастлаб валюта алмаштириш осонлашди. Очик



Оддий мисол, кўпгина дўконлар, айниқса, қишлоқ жойларда ноқонуний фаолият юритарди. Бундан ўша ҳудуддаги масъуллар хабардор эди. Маҳалла, туман ҳокимлиги тадбиркорлар рўйхатига ўша ноқонуний дўконларни ҳам киритарди. Турли байрамлар, тадбирларда улар ўзига хос “солиқ”қа тортилиб, ҳомиликка жалб этиларди. Шаҳарлардаги айрим кичик ишлаб чиқариш цехлари ҳам шу “қонда” асосида фаолият кўрсатарди. Ўзгаришлар сабаб ушбу тадбиркорлар қонуний фаолият юритишга ўтди.

Журналист сифатида яхши биламан, ислохотларнинг дастлабки йилларида “яширин иқтисодиёт”нинг мамлакат ва халқ манфаатларига зарари ҳақида жуда кўп тарғибот ишлари олиб борилди. Хусусан, “Янги Ўзбекистон” газетасида ҳам устоз журналистлар, иқтидорли ёшлар ва иқтисод соҳасининг етакчи мутахассислари кўплаб чиқишлар қилди. Бугун ўзбек мағбуотида бу мавзуга эҳтиёж дегарли йўқ.

Матбуот — жамият кўзгуси. Бугун матбуотимизда дунё иқтисодиётидаги долзарб масалалар асосий мавзу бўлиб турибди. Булар “яшил иқтисодиёт”га жадал ўтиш, суный интеллектни соҳада татбиқ этиш ва ундан самарали фойдаланиш каби жиҳатлардир. “Яшил иқтисодиёт” нафақат табиатга кўмак, балки техник тараққиётнинг белгиси ҳам ҳисобланади. Чунки замонавий технологияларсиз тўлағилан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш имконсиз. Суный интеллект эса тараққиётнинг энг юксак чўққиларидан бири. Демак, бугун янги Ўзбекистон тадбиркорлари тафаккури, оруз интилишлари халқаро миқёсдаги кўламга чиққан!

## Бунга қандай эришдик?

Биринчидан, асосиз текширишларга барҳам берилди.

Иккинчидан, “яширин иқтисодиёт” аниқланганда жазолаш эмас, имкон бериш йўли тутилди. Тадбиркорларга давлат рўйхатидан ўтиб, солиқ тўлаб ишласа, имтиёзларга эга бўлиши, фаолиятни Президент ҳимоясида экани, хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги ўзгаришлар тушунтирилди. Иккита иш ўрни яратган тадбиркор қонуни ва Президент ҳимоясида экани бот-бот такрорланди. Бу ҳолга кўнйиқша қўйналган айрим масъуллар билан жиддий ишланди. Умуман, мамлакатда замонавий тадбиркорлик тафаккурини шакллантириш борасида нима зарур бўлса бажарилди.

Буларнинг барчаси тадбиркорларнинг дунёқараши ўзгаришга хизмат қилди. Олис қишлоқларда ҳам экспорт билан шугулланадиган тадбиркорлар пайдо бўлди. Масалан, бозорларимизда яқин-яқингача кишининг охириги ёки эрта баҳорда картошка, пиёз каби қишлоқ хўжалиги махсулотларига узундан узоқ навбатлар куттиларди. Таҳлиллар муаммо шу турдаги махсулотнинг кам етиштирилганда эмас, балки уларни сақлаш билан боғлиқ эканида кўринарди.

Ўзбекистон заминиди етиштирилган ҳўл мевалар витаминларга бой, шифобахш, дея ҳақли равишда мақтанардик. Аммо супермаркетлар тармоғида, асосан, хориждан импорт бўлган ҳўл мевалар сотиладди. Ваҳоланки, ёз ва куз фаслида пишиб етилган ҳўсининг катта қисмини сақлаш тизими йўқлиги ту-файли улар ерга тўкилиб, исроф бўларди.

Кейинги йиллардаги ислохотлар сабаб қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, уларни сақлаш тизими ҳам ривожланди. Бир неча кун олдин Наврўз байрамини ишонларлик. Аммо ҳозир ҳам кечагина узилгандай сақланган узумлар, анор ва олма каби ҳўл мевалар бозорларимизни обод қилиб турибди.

Цитрус меваларни сотиб олиш унча-мунча оила учун оруз эди. Соҳа ривожини сабаб бундай мевалар ўзимизда етиштирилиб, сақлиниб, чўнтақбоп нарҳда сотилапти.

Ушбу йўналишдаги ўзгаришлар динамикасини биргина Булунгур тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Туманда йилга ўртача 260 минг тонна картошка етиштирилгани ҳолда, ҳудудда 5-6 йил олдин уни сақлаш ёки қайта ишлаш ҳолати анчанрли эди. Тадбиркорликка кенг йўл очилгани ҳисобига кейинги 4-5 йилда туманда қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш имконияти 27 минг тонна сизимга етказилди. 7-8 йил аввал аграр тармоқда етиштирилган махсулотларнинг

суный тўсиқлар қийнади. Иккинчидан, қўшни мамлакатлар билан алоқаларимиз кўнгилдагиди эмасди. Бу ўз-ўзидан логистика, туризм каби соҳаларнинг оқашига сабаб бўлаётганди. Мамлакатнинг ички сиеъсатидаги ижобий ўзгаришлар дастлабки кунларданок ташқи сиеъсатда ҳам ўз аксини кўрсата бошлади. Бугун энг кўп сайёҳлар қўшни давлатларимиздан келяпти. Қувонарли жиҳати, бугун тиббий туризм оммалашиб бормоқда. Биз мазкур йўналишда мамлакатимизни Марказий Осиё хабиға айлантирамиз, деган эдик. Ҳозир қўшни давлатлардан ташриф буюраётган меҳмонларнинг бир қисми даволаниш учун келяпти.



10-12 фоизи қайта ишланган бўлса, қисқа фурсатда ушбу кўрсаткич 30 фоиздан оширилади. Яқин истиқболда мазкур йўналишда амалга оширилиши режалаштирилган кўплаб лойиҳалар ҳисобига қайта ишлаш ва сақлаш қувватларини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш мақсад қилинганни эса тадбиркорлик фаолияти ривожининг жойлардаги шашту шиддатидан далолат беради, албатта.

## Ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш — стратегик йўлимиз

Ўзгаришлар ҳаётимизда қандай янгиликларга сабаб бўлди, деган саволга асосли жавоб бор. Масалан, тўрт йил аввал 23 фоиз ёки 7,5 миллион аҳолимизнинг даромади камбағаллик чегарасига ҳам етмас эди. Ўтган даврда 3,5 миллиондан зиёд фуқаро учун даромад олиш имконияти яратилиб, камбағаллик 11 фоизга туширилди. Энди бу кўрсаткични 2028 йилгача 7 фоизга тушириш режа қилинган. Зеро, аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни бекиёс. Ўз ўрнида бундай ўзгаришлар ялпи ички махсулот ҳажмининг ҳам кескин ошишига сабаб бўлди.

Дастлаб мамлакатимиз ялпи ички махсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўйган эдик. 2024 йилнинг ўзида ялпи ички махсулотимиз ҳажми 110 миллиард долларга етди. Биз 2030 йилга бориб, иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказишни мақсад қилганмиз. Очиги, бошида бу маррага кўччилик ишонмади. Чунки мамлакатимизда имкониятлар чекланган эди. Аввало, юқорида таъкидланганидек, тадбиркорларни

суный тўсиқлар қийнади. Иккинчидан, қўшни мамлакатлар билан алоқаларимиз кўнгилдагиди эмасди. Бу ўз-ўзидан логистика, туризм каби соҳаларнинг оқашига сабаб бўлаётганди. Мамлакатнинг ички сиеъсатидаги ижобий ўзгаришлар дастлабки кунларданок ташқи сиеъсатда ҳам ўз аксини кўрсата бошлади. Бугун энг кўп сайёҳлар қўшни давлатларимиздан келяпти. Қувонарли жиҳати, бугун тиббий туризм оммалашиб бормоқда. Биз мазкур йўналишда мамлакатимизни Марказий Осиё хабиға айлантирамиз, деган эдик. Ҳозир қўшни давлатлардан ташриф буюраётган меҳмонларнинг бир қисми даволаниш учун келяпти.

Янги Ўзбекистонда вазият тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашув чоғида: “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — бу бизнинг стратегик йўлимиз! Тадбиркорлик қанча тез ривожлана, мамлакатимиз шунча қудратли бўлади, халқимиз шунча фаровон яшайди”, деди.

Ана шу учрашув чоғида мазкур стратегик йўл орта қайтмас тос олгани ўз исботини топди. Кичик ва ўрта бизнес йўналишидаги устувор вазифалар ҳақида фикр алмашилди. Хусусан, 2025 йилда унинг иқтисодиётдаги улушини 55 фоизга кўтариб, 70 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш вазифаси қўйилди. Иқтисодчилар яхши билади, бу жуда катта сакраш дегани. Бундай катта марна ўз-ўзидан забот этиб бўлмайдди. Шу боис, янги бозорларга кириб боришда транспорт, сертификат ва стандартга қўмақлашиб, кичик бизнес экспортер ўтган йилги 9 миллиарддан 12 миллиард долларга олиб чиқилди.

Шу ўринда Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Анди Арантасининг ушбу учрашувдан сўнг айтган фикрини келтирасак:

— Европа тикланиш ва тараққиёт банки 36 давлатда фаолият юритаётган бўлса, улардан фақат 4 таси ҳар йили 1 миллиард евродан кўпроқ миқдорда молиялаштириш олади, — дейди Анди Арантаси. — Мақсадимиз Ўзбекистонни айнан ана шу давлатлар қаторига киритиш ҳамда хусусий секторнинг асосини ташкил этувчи кичик ва ўрта бизнес ривожини қўллаб-қувватлашга устувор эътибор қаратиш.

Кўриниб турибдики, хорижлик ҳамкорларимиз бизни қўллаб-қувватлашга доим шай. Бу ҳам бўлса, юқорида таъкидланганидек, янги Ўзбекистондаги ислохотларга билдирилётган юксак ишонч намунаси.

Шунингдек, ичимлик сув, канализация, йўл, қурилиш, коммунал хўжалик, етказиб бериш, утилизация, миграция, маданият ва ижтимоий хизматларда кичик бизнес улушини 2-3 карра ошириш назарда тутилмоқда. Бу каби ислохотлар эса 1,5 миллион доимий иш ўрнини ташкил этиш, соҳада банд аҳоли улушини 75 фоизга етказиш имконини беради. Қолаверса, кичик бизнесда янги 100 та бренд махсулот чиқаришни ҳам мақсад қилганмиз. Умуман, жуда катта марра қўзланмоқда. Бунга эришиш учун хорижий экспертлар билан бирга дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга 2025 йилда барча манбалар ҳисобидан 10 миллиард доллар йўналтирилди. Бу халқимизга жуда катта миқдорда сармоғ, миллионлаб иш ўринлари, даромад ва натижада фаровон турмуш қафолати дегани.

Мақола аввалида пластик картаимиздаги пулни нақд қилиш, валюта бозоридидаги эркинлик ҳақида айтган эдик. Бугун ўша ҳолатларни олис ўтмишдаги афсона каби эслаймиз. Айримлар энди янги ва янада улкан ўзгаришлар ҳақида айтиш, дейиши мумкин. Бу табиий. Чунки тоғ чўққисини мўлжал олиб йўлга чиққан киши илк қадам ташлаган манзилни доим ҳам ёдга олавермайди.

Қолаверса, йирик қадамлари сабаб бошдаги кичик оидимлари кўзига арзимасдай кўринади. Аммо илдиждан узилмаслик, оёқни ерда маҳкам тутиб туриш учун ҳам ўша илк қадамни эслаш зарур. Эроз, дастлабки қадамларнинг шаҳди, шижоати ва завқи бутунги ва келгусидаги ютуқлар асосини ташкил этади.

Албатта, яқин келажақда бугун белгилаб олинган вазифалар натижасини қувонч билан эътироф этишимизга ишонамиз. Зеро, катта йўл аввалида доим тан ҳаловатидан кечилган, шунга муносиб тарзда давом этиш иштиёқи ҳар дам олға, янги марралар сари чорлайверади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

раҳбари Шахзод Умрзоқов ўз фаолияти ҳақида сўзлаб, кейинги йиллардаги ўзгаришлар динамикасини кўрсатиб берди.

— Мактаб, лицейда ўқиб юрган пайтларим дадам ишлайдиган автобазада чиптачи бўлганман. Ҳозирги кунда эса суный интеллектга асосланган компания раҳбариман, — дейди еш тадбиркор

бозор тамойилларидан келиб чиқиб, банклар хориж валютасининг ўзбек сўмига нисбатан қийматини мустақил белгилайдиган бўлди. Булар тадбиркорларга илк имкониятлар эди. Шундан сўнг божхона, солиқ, хориж маблағларини хусусий секторга жалб этиш, хусусийлаштириш каби йўналишларда туб ўзгаришлар қилинди.

# ИККИ МИЛЛИОН ИШЛИ АЁЛ

## БУ ШУНЧА ОИЛАНING ТУРМУШИ ЯХШИЛАНАДИ, ФАРОВОНЛИГИ ОШАДИ ВА ДАВЛАТДАН РОЗИ БЎЛАДИ ДЕГАНИ



нафари ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжмандлардир.

Шунингдек, 6 минг нафари уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож, 57 минг нафарининг қарамоғида ногиронлиги бор фарзанди мавжуд, мингдан ортиғига томорқасидан унумли фойдаланиши учун кўмак зарур.

“Аёллар дафтари”га киритилган мажбур хотин-қизларнинг ҳар бири учун индивидуал дастур ишлаб чиқилди. Ушбу ишлар



бирида касабга уюшма вакиллари ва “маҳалла еттилик” томонидан хонадонма-хонадон юрши орқали 7,7 миллиондан зиёд хотин-қизнинг муаммолари ва ижтимоий аҳоли махсус сўровнома асосида “фуқаробай” ўрганиди. Натijaда ижтимоий ёрдамга муҳтож аёллар аниқланиб, жами 1 миллиондан ортиқ эҳтиёжманд хотин-қиз “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичига киритилди.

Жумладан, уларнинг 636 минг нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз, 34 минг нафари тадбиркорлик қилиш истағида бўлган эҳтиёжманд хотин-қиздир. 130 минг нафари эса боқувчисиз бўлмаган, 162 минг

маҳаллалардаги “еттилик”лар, касабга уюшмалари, ҳокимликлар, вазирилик ва идораларнинг ҳудудлардаги вакилларидан иборат 80 мингга яқин масъул иштирокида амалга оширилди.

Ингилишда “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичига киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга тегишли амалий ёрдам кўрсатиб, муаммоларини ҳал этиш борасидаги асосий вазибалар белгилаб олинди. Хусусан, “Аёллар дафтари”га киритилган 636 минг хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, томорқа, субсидиялар ажратиш каби йўналишларда мажбур махсус

комиссияси томонидан “Аёллар дафтари” орқали 636 минг опа-сингилмиз бандлиги таъминланади. Бундан ташқари, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси тадбиркорлик қилиш истағида бўлган 100 минг хотин-қизни ўқитиб, иш билан таъминлаш ва бизнесини очишга кўмаклашиш ишларини ташкил этади.

Ингилишда республика комиссияси аъзоларига мажбур йўналишлардаги кенг қамровли ишларни самарали амалга ошириш механизми батафсил тушунтирилиб, аниқ ва манзилли чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, масъулларга хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини яхшироқ асосий йўналишларини изчил амалга ошириш, мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш, ижтимоий аҳоли ва турмуш шaroити оғир, ишсиз ҳамда ўзривонликка учраган аёллар муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш юзасидан вазибалар белгилаб берилди.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш тизимини

ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича вазибалар масъулларга тақсимланди.

Ингилишда иштирок этган тижорат банклари мутасаддилари 1 миллион 300 миңдан ортиқ хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича ишлаб чиққан режалари билан ингилишларни таништирди.

Кун тартибидан ўрин олган иккинчи масала — “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичини юқори савияда амалга ошириш борасида олдинда турган долзарб вазибалар ҳам атрофича муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, эндиликда “Аёллар дафтари” тизими ижроси бўйича иш вилот, туман, маҳалла даражасида олиб борилади. Бундан бунён “Аёллар дафтари” тизимини юритишда Оила ва хотин-қизлар ҳамда Маҳаллалар уюшмаси бошқармалари ва “маҳалла еттилиги”нинг роли ва ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

“Аёллар дафтари”нинг 6-босқичи жорий йилнинг январь ойидан бошланган. Утган 2 ой давомида 9 минг 453 та маҳалланинг ҳар

## Ушбу тадбир иштирокчиларидан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик

**Алҳам САИДҚУЛОВ,**  
Халқ банкининг Маҳаллабай ишлаш ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш департаменти директори:

— Банкмиз зиммасига 410 миңдан зиёд аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш вазибаси юклатилган. Шулардан 150 миң нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Айни пайтда ушбу вазибаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан иш олиб бориляпти.



**Шу йўналишда бизга бириктирилган икки миңга яқин маҳаллада агентларимиз ва маҳалла банкларини жойлардаги “еттилик” аъзолари ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда ишляпти. Бу борада ўтган йилларда шаклланган ижобий тажрибалардан самарали фойдаланиляпти.**

Хусусан, ўтган йили “Лойиҳалар фабрикаси” бўйича иш бошланиб, 250 га яқин бизнес режа ишлаб чиқилган эди. Бу йил шу йўналиш давом эттирилиб, “Тадбиркор аёл” платформаси яратилляпти. Бу платформадан, асосан,

хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсуслотлар намойиш этилиши, бундан ўринлари эълон қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, жорий йилда аёллар бандлигини таъминлаш бўйича лойиҳалар қамрови кенгайтирилиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатишга асосий эътибор қаратилиши мўлжалланыляпти.

Бу ишларни амалга ошириш учун банкларга етарли даражада ресурслар ажратилляпти. Жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун банкмизга 35 миллион доллар миқдорига ресурс келиб тушди. Бу имкониятдан самарали фойдалансак, зиммамизга юкланган ҳар бир вазибани сифатли бажариб, халқимиз олдида ҳам, давлатимиз олдида ҳам юзими эҳтиёж бўлади.

**Мукаррам НУРМАТОВА,**  
Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари:

— Хотин-қизларга эътибор бугун давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада иш бошланган дастлабки йилларда уйма-уй юриб, ҳар бир хотин-қизнинг муаммолари аниқланиб, манзилли ёрдам кўрсатиши йўлга қўйилган. Йилдан йилга бу хайрли ишлар кўлами янада кенгайиб бормоқда. Ушбу жараёнда янги тизим жорий этилиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга банклар жалб этилди.

Чора-тадбирларни амалга ошириш учун катта ҳажмда молиявий ресурслар ажратилиб, кенг қамровли ишлар қилинди. Натijaда бир йил мобайнида ўртача 580 миң аёлнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган бўлса, энди бу кўрсаткич 700 миңдан оширилди. Бу ишлар халқимиз, айниқса, опа-сингилларимиз турмуш шaroитини яхшилаш, уларни ишли қилиш, оилаларнинг даромадини оширишда ўз самарасини бермоқда.

Мазкур жараёнда “Аёллар дафтари” тизимининг ўрнини алоҳида эътироф этиш мумкин. Бу борадаги ишлар 2020 йилда бошланган эди. 2024 йилга бу йўналишда 3,5 миллиондан ортиқ аёлнинг муаммолари ҳал этилди. Утган йили бир миллионга яқин, шу

рўйхатга киритилган ҳар бир хотин-қизнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш бўйича манзилли режа ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик қилиш истағида бўлган 34 миң эҳтиёжманд хотин-қизга кредит ажратиш ва тадбиркорлигини йўлга қўйиш зарур.

Уларга тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ҳамда кредит олгандан сўнг оёққа тургунча қўллаб-қувватлаш, боқувчисиз бўлмаган 130 миң эҳтиёжманд хотин-қизлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож 162 миң I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар ҳамда қарамоғида ногиронлиги бор фарзанди бўлган 56 миң 977 эҳтиёжманд хотин-қизга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача, яъни 1 миллион 500 миң сўмгача моддий ёрдам бериш, 6 миң хотин-қизнинг уй-жойи ва яшаш шaroитини яхшилаш бўйича аниқ ва манзилли вазибалар ҳамда масъуллар белгиланди.

Ушбу ишларни амалга ошириш учун молиявий манба белгилаб, маблаг ҳам ажратиб берилган.

Ингилишда бу борадаги ишлардан ҳеч қайси эҳтиёжманд аёл четда қолиб кетмаслигини зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, “Аёллар дафтари” низомига мувофиқ, 21 турдаги хизмат ушбу дафтarga киритилган барча хотин-қизларга кўрсатилиши мумкинлиги қайд этилди. Жумладан, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар барча хотин-қизларга кўрсатилиши мумкин.

Таъкидланганидек, касабга уюшмаларидан ҳудудларга бириктирилган масъуллар жойларда хотин-қизларга амалий ёрдамни мувофиқлаштириб боради ва ёрдамнинг ҳаққонийлигини жойларга чиққан ҳолда ўрганади. Республика комиссияси ҳар йили “Аёллар дафтари”га киритилган ва эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 50 миң нафарини Тошкент вилотидаги дам олиш масканларига юбориб, уларга психологик ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этади. Саёҳат давомида хотин-қизлар учун кўнгилочар маданий тадбирлар ўтказилади.

Видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазибаларни юқори савияда амалга оширишни таъминлаш борасида республика комиссияси аъзолари, шунингдек, ҳудудий студиялардан иштирок этган масъуллар ҳам ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

“Аёллар дафтари” тизими доирасидаги эзгу ишлар миллионлаб опа-сингилларимиз ва уларнинг оилалари турмуш шaroитини янада яхшилаш, ҳаётга ёруғлик ва розилик олиб киришга қаратилгани, бунинг учун барча масъуллар бор имкониятини ишга солиши ва яқдлик билан иш олиб бориши зарурлиги таъкидланди. Бу йўлда барча мутасадди ташкилотларни халқимизни рози қилишдек улкан масъулият бирлаштириб тургани қайд этилди.



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

чилик соҳасида 160 миң, “Саноатқурилиш-банк” сазавот ва кўчатлар етиштириш соҳасида 160 миң. Халқ банки узув, брокколи ва маҳаллий қарам етиштиришда 150 миң, “Агробанк” боғдорчилик йўналишида 144 миң хотин-қизнинг бандлигини таъминлайди. Шунингдек, Бизнесни ривожлантириш банки кўчат, булғор қалампир, бақлажон ва помидор етиштириш соҳасида 94 миң, “Асакабанк” фармацевтика ва узумчиликда 82 миң, “Алоқабанк” IT, асарчилик ва мевали эканлар етиштириш соҳасида 58 миң аёл бандлигини таъминлашга кўмаклашиши лозим. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича республика

юритиш, танқидий таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш, оилавий ажралишлар олдини олиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, уларнинг сифатли таълим ва касбий кўникмалар олиш, муносиб иш топишига кўмаклашиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бунинг учун мотивацион семинарлар, турли маданий-маърифий, туризм ва спорт тадбирлари, фестивал ва конференциялар ташкил этиш, оилалар ва хотин-қизлар билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлаш тизимини тақомиллаштириш, шу жумладан, илгор хорижий тажрибани

**Бир пайтлар бизнес бошлашга ҳадиксиз қаранган юртдошларимиз бугун мамлакатда йирик тадбиркорга айланаётгани бор гап. Бунга ҳаётини мисоллар кўп. Айниқса, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасидаги фаол ислохотлар натижасида ўзи, оиласи, маҳалла, эл-юрт фаровонлигига муносиб хисса қўшаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.**

Президентимизнинг шу йил 19 март куни кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан очик ва самимий руҳда бўлиб ўтган тарихий учрашуви ҳамда унда соҳани ривожлантиришга қаратилган салмоқли, айни пайтда долзарб бўлиб турган ҳаётини ташаббуслар илгари сурилгани бизнес вакиллари учун янги имкониятлар очиб бериши, тадбиркорлик кенг қулоқ ёйишига хизмат қилиши шубҳасиз. Учрашувда кичик ва ўрта бизнес йўналишидаги устувор вазибалар ҳақида фикр алмашилди. Хусусан, 2025 йилда унинг иқтисодийдаги улушини 55 фоизга кўтариб, 70 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш, янги бозорларга кириб боришда

# ҲАДИК ЎРНИНИ ИШОНЧ ЭГАЛЛАДИ

## ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР ТАДБИРКОР УЧУН МУҲИМ

транспорт, сертификат ва стандартга кўмаклашиб, кичик бизнес экспортни ўтган йилги 9 миллиарддан 12 миллиард долларга олиб чиқиш вазибаси қўйилди. Бу эса юз миңлаб ёшлар бандлиги таъминланади, ишлаб чиқариш кўлами кескин ошади, миллионлаб юртдошларимизнинг яшаш шaroитлари яхшиланади дегани.

Бир ярим миллион доимий иш ўрни ташкил қилиб, соҳада банд аҳоли улушини 75 фоизга етказиш, 100 нафардан кўп ишчиси бор корхоналарни 4 миңга олиб чиқиш, кичик бизнесда янги 100 та бренд махсуслот чиқаришни йўлга қўйиш, кичик бизнес иштирокида 200 та стартап лойиҳани молиялаштириш бўйича қўйилаётган катта мақсадлар одамларнинг реал даромадларини ошириши, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш кўлами ҳамда экспорт ҳажминини оширишга имкон беради.

Бугун ўз бизнесини бошлаш истағида юрган ёшларимиз, хотин-қизлар кўп. Лекин маблаг билан боғлиқ айрим масалалар уларнинг тадбиркорлигини бошлашига тўсиқ бўлаётган эди. Давлатимиз раҳбари бу масала



нинг ҳам аниқ ечимини қилиб берди. Яъни аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 22 триллион сўм имтиёзли ресурс ажратили-

ши, шунинг 2,5 триллион сўми ёшларга, яна шунчиси аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун йўналтирилиши айни мудоао бўлди.

“Биринчи имконият” тамойили нафақат тадбиркорларни қўллаб-қувватлайди, балки иқтисодий ривожланиш учун муҳим механизмдир. Зеро, ҳар бир янги ишбилармонга хатосини тўғрилаш имкони берилса, улар кучли ва барқарор бизнес тузиш имкониятига эга бўлади.

Ишбилармон кишига эмин-эркин ишлаш учун шaroит яратиб берилса кифоя. У фаолиятини кенгайтириб, юрт ривожини тараққитишга хисса қўшаверади. Юртимизда тадбиркорларга шундай шaroит билан бирга кенг имкониятлар яратилаётгани туфайли тадбиркор бўлишни истаган инсонлар сони ортиб, улар орасида хотин-қизлар, ёшлар сафи ҳам тобора кенгаймоқда. Энг муҳими, бугун катта-кичик давлат ташкилотлари тадбиркорларни эшиштипти, уларнинг муаммоларига қулоқ тутиб, ечимини берапти.

Умуман олганда, бугун айни йўналишда бошланган ислохотлар қисқа вақтда янада фаоллашиб, асло сустлашмади. Учрашувда белгилаб берилган вазибалар ижроси бу борадаги ишларни бутунлай янги босқичга олиб чиқиши аниқ. Зотан, унинг ижроси мамлакатда одамлар кичик ва ўрта бизнесда ишни қўрқув билан эмас, балки қатъий ишонч ва катта мақсадлар билан бошлашига туртки беради.

**Одинахон ОТАХОНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Таълим тараққиёти

БИЗ ҚАЧОН КАФОЛАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОСҚИЧИГА ЎТАМИЗ?

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида аниқ ва мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Талабалар учун ижтимоий ҳимоя тизими ишга туширилгани, бунинг учун давлатимиз томонидан қатор дастурлар ишлаб чиқилиши, ҳаётга татбиқ этилаётгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар учун таълим олишни осонлаштириш, молиявий ёрдам кўрсатиш, стипендия ва давлат грантлари миқдори оширилаётганини таъкидлаш лозим.



Шуҳрат БОЙМУРОДОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Соҳадаги ислохотлар маъмурий ва иқтисодий асосларни янгиллаш, таълимга юқори стандарт ва инновацион усуллари жорий этишни тақозо қилмоқда. Шунини инобатга олиб, Тошкент тиббиёт академиясида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълимнинг барча bosqichlarida замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга эътибор қаратиб келинмоқда.

Замонавий талабалардан келиб чиқиб, давлат олий таълим муассасалари олдига қатор вазифаларни қўйди. Табиийки, уларни ҳал қилиш инновацияларга ва бугун касбий фаолияти давомда ўқиб ўрганишга тайёр, ҳаракатчан, ўзини ўзи йўналтира оладиган шахсни шакллантириш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ эди. Натijaда биз анчадан бери кутган тизимли механизм ишга тушди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бошқа масалалар қатори тиббиёт таълимга доир режалар, мақсадлар баён қилиниди ва бунга қадам-бақадам эришиш шарт экани таъкидланди.

Бундан ташқари, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси учун зарур шарт-шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларини камайтирилди

Тошкент тиббиёт академияси ташкил топганига 100 йилдан ошди. ОТМ бугунга қадар 90 мингдан зиёд малакали тиббиёт ходими тайёрлаган. Шу билан бирга, мамлакатимиз

даги тиббиёт олий таълим муассасаларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Бугунга қадар Тошкент тиббиёт академиясидан қатор нуфузли тиббиёт ОТМлари ажралиб чиқди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳарбий тиббиёт академияси ва Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти шулар жумласидан. Бугун академия таркибидagi Урганч ва Термиз филиалларида тиббиёт кадрлари тайёрланмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тез ва сифатли тиббий ёрдам кафолати, соҳага ажратиладиган маблағнинг ҳар бир беморга етиб бориши масаласи, аввало, соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналиши бўлган кадрлар тайёрлаш сифати билан ўлчанadi. Инсон қадр-қиммати улуғланган, манфаатлари устувор юрда юксалиш ва тараққиёт бардавом бўлади. Юртимиз бугун тараққиётнинг бутунлай янги bosqichiga қадам қўйди. Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Тошкент тиббиёт академиясини комплекс ривожлантириш дастури



ва тубдан такомиллаштириш механизмлари ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилди. Натijaда кафедралар моддий-техник базаси мустаҳкамланди ва модернизация қилинди. Замонавий ўқув-илмий лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Бундан ташқари, ўқув дастурларида клиникага ва клиник блоklarдаги ўқув соатлари улуши 85 фоиз оширилди. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий блоklar

бўйича ўқув соатлари 7 фоизгача қисқартирилди, 5, 6 ва 7 йиллик таълим йўналишлари тегишли равишда 4, 5 ва 6 йиллик этиб оптималлаштирилди.

Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги “Олий таълимдаги мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларнинг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясида мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитиш тизими жорий қилинди. 2023 йилда Тил ўргатиш маркази очилди. Шу кунга қадар мазкур марказда 250 дан ортиқ профессор-ўқитувчи инглиз тили бўйича ўқитилди ва уларга “Medical English” сертификати тақдим қилинди.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларини қайта кўриб чиқилди ва охириги йилларга нисбатан ҳозир 20-25 фоиз камайтирилди. Уларнинг илмий тадқиқот ишлари билан шугулланиши учун имконият яратиб берилди. Пухта назарий билим бериш билан бирга илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Жумладан, талабалар амалиётини ташкил этиш жараёни такомиллаштирилди ва бу бўйича янги тартиб ишлаб чиқилди.

Бугун беморга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш, масулиятли дамда мустақил қарор қабул қилишга қодир мутахассиснинг аҳамияти кескин ортиб бораётир. Шу боис, бир неча йил олдин манфаат эвазига қўллаб-қувватловчи, ҳар қандай янгиликка суст жавоб қайтарадиган таълимдан муқобил, янгиликка ташна, инновацион таълимга ўтиш жараёни бошланди.

Анъанавий услуб билан талабни қаноатлантириб бўлмайди

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча худудларидаги тиббиёт муассасалари

Халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси учун зарур шарт-шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Халқаро ҳамкорлик — компетенциялар ривожини сари одимлар

Бугун мамлакатимиздаги барча ОТМлари олдига дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари рейтингидан жой олиш вазифаси қўйилган. Халқаро алоқаларни йўлга қўймай туриб, бу натижага эришиш қийин. Шу боис, олий таълим тизимидagi халқаро ҳамкорлик масаласи муваффақиятли натижаларни қўлга киритишда муҳим жиҳатлардан. Хориж тажрибаси синалган ва ишончли андозалар ишлаб чиқиш учун битмас-туганмас манбадир.

Академияда халқаро ҳамкорлик борасидаги ишлар ҳам жадал ривожланмоқда. Жумладан, ОТМда 2024 йили хорижлик талабалар сони 1600 нафарни ташкил этди. Чет элнинг 70 га яқин етакчи ташкилоти билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Халқаро талабалар мобиллик дастури амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, хорижлик 50 га яқин мутахассис таълимга жалб қилинди. Жумладан, Жанубий Корея, Россия, Хиндистон, АКШ каби давлатлардан келган соҳа мутахассислари ўқув жараёнида иштирок этмоқда.

Халқаро рейтингларда ҳам академия муносиб поғоналардан жой олмади. Мисол учун, Times Higher Education WUR, Asia University Rankings рейтингидa Reporter бўлди. THE Impact Ranking 2024 SDG3, SDG4: 601-800, SDG4 — 800-1000 QS Stars 4 юлдузли Very Good рақами олинди. Бундан ташқари, академия RUK 2024 WUR рейтингидa 887-ўринни, UI GreenMetric рейтингидa 983-ўринни, WURI Ranking Top 100 in Thirteen Categories рейтингидa 100-ўринни, Webometrics рейтингидa Ўзбекистон тиббиёт ОТМлари орасида 1-ўринни, миллий рейтингидa 7-ўринни, тиббий ОТМлар орасида 2-ўринни эгаллади.

Жорий йилда академиянинг 10 та бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 9 та магистратура, клиник ординатура ва малака ошириш мутахассисликлари — жами 19 та таълим дастури Жаҳон тиббий таълим федерацияси халқаро стандартларига мувофиқлиги бўйича мустақил аккредитация ва рейтинг агентлиги — IAAR томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилди.

Хуллас, қилинган ва қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Бугун тиббиётнинг барча бўғинларида — бирламчи тиббий санитария ёрдамидан тортиб, ихтисослаштирилган тиббий хизматга — тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси мустаҳкамланди, кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари кўпайди. Бундай хизмат кўрсатувчи муассасалар тармоқлари худудлар, туман-шаҳарларга етиб борди. Уларни кадрлар билан таъминлаш ва малакасини оширишга эътибор кучайди. Шу эътибор асло сусаймаса, яқин йилларда чинакам мукамал тиббий хизмат ва тиббий маданият шаклланди. Мамлакат тиббиёт марказларида хизмат кўрсатишнинг очиқ ва шаффоф, янги тизимига юз фоиз ўтишди, халқимиз генотибига сабаб бўлган.

Юртимиздаги кўплаб таълим муассасалари қаторида Тошкент тиббиёт академиясида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими жорий этилди ва мустақил таълимнинг улуши 50 фоизга етказилди. Натijaда кредит-модуль тизими асосида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ишлаб чиқилди.



Ёшлиқ шижоати

Ҳар қанча машаққатни зиммага олиб, илм ўргатган фарзандимиз ютуқларга эриша бошлагач, сарфлаган харажатимизни қийинчиликлар кўзимизга кўринмайди. Дилбандимизнинг эртасидан хотиржам тортамиз. Муҳаммад Тожибоевнинг ота-онаси бу ёқимли туйғуни анча олдин ҳис этди. Муҳаммад ўсмирлик чоғидаёқ йирик муваффақиятлари билан танилди.

Юртимизда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Президент соврини учун “President Tech Award” танлови ўтказиб келинмоқда. Мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлган танловда Amazon, Google каби энг йирик компаниялар мутахассислари ҳакамлик қилади. Бу ушбу танловнинг қанчалик аҳамиятга эга эканига яна бир далил. Ана шундай йирик танловда қаҳрамонимиз энг ёш иштирокчи сифатида қатнашди. 15 ёшли қатнашчига тегишли лойиҳа 50 минг АКШ долларига лойиҳа кўрилди. Бу кўплаб ота-оналарнинг ахборот технологияларига қизиқишини кучайтирди.

Энг яхши инвестиция таълимга йўналтирилган маблағ эканини тушуниб етишишга хизмат қилди.

2021 йилдан буён ахборот технологиялари соҳасини ўрганиб келаётган Муҳаммад Тожибоев турли бад дастурлар ишлаб чиқади. У Python дастурини ўзлаштирган. Энди ўз олдига сунъий интеллект бўйича юртимизни дунёга танитиш мақсадини қўйган.

— Ўзбекистонни ахборот технологиялари марказига айлантиришдек орзуну рўёбга чиқариш биз, ёшларга боғлиқлигидан доим руҳланамиз. Танловда қўлга киритган маблағимиз эса бунга ҳисса қўшиш учун керакли инвестиция бўлди, — дейди йигит.

Дарвоқе, Муҳаммад ўзига тегишли мукофотнинг муайян қисмини Намангандаги ўзи 9-синфгача ўқиган мактабга ахборот технологияларини ўқитишни ривожлантириш учун ёрдам тариқасида тухфа қилди.

Муҳаммад муаллифлик қилган лойиҳалардан бири — юқоридаги танловда эътироф этилган дастур PCR (Poison Cuts Poison) — “Заҳарни заҳар кесади” деб номланди. Мақсад ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва кибержаноатчиликнинг илдизини қуритишдир. Платформаларда шубҳали ҳаракат бошланганда ушбу дастур ишга тушиб, фойдаланувчининг юзини, яъни жонлиқни текширади. Бунда тизимга реал ҳолатда кирётганларнинг инсон ёки бот экани юзи орқали аниқланади. Агар юзи таниш имкони бўлмаса, фойдаланувчи овози орқали текширилади. Шунингдек, дастур ҳақерларнинг манзилни топиш ва маълумотларини ички ишлар органларига жўнатиш имконини ҳам беради.

Мазкур лойиҳа Намангандаги давлат идораларида синаб кўрилганда 86 фоизлик натижа кўрсатди. Ундан исталган веб-сайтларда, компьютер тизимларида фойдаланиш мумкин. Зеро, у барча веб-сайтларга керакли хавфсизлик тизими. Агар дастур ишга



туширилса, кўплаб электрон платформалар билан интеграция қилиниши, глобал бозорга чиқиши ордан ахборот технологиялари экспортга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Муҳаммад Тожибоев БМТнинг қатор оғли билан курсларида ҳам муваффақиятли ўқиган. Улардан бири “Яшил” саноат сиёсати ва унинг рақобатбардорлик ҳамда тузилмавий

ўзгаришлардаги аҳамиятга бағишланган. Яна бири БМТнинг иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббуслари доира-сида ташкил этилган. Изланувчан йигит бу курслар орқали глобал муаммолар ҳақида кенг тушунчага эга бўлиб, барқарор ривожланиш йўналишидаги билиминини мустаҳкамлади. Аини пайтда Муҳаммад “Aisha AI” ва “IQo AI” лойиҳалари устида ишламоқда. Бу лойиҳалар кутилганидек натижа берса, Ўзбекистондаги энг йирик сунъий интеллект тизимига айланади.

Ёш иқтидор эгасининг адабиётга ҳам яқинлиги, адабий тадбирларда миллат фидойилари образини яратиш истаги кучли. Унинг инсон онги, стратегик фикрлаши ва жамиятдаги ўрни ҳақидаги мулоҳазалардан иборат “Ўйин қондалари” китоби нашрга тайёрланмоқда. Китоб сиёсат, бизнес, шахсий ривожланиш ва инсон психологияси каби муҳим мавзуларни ўз ичига олади.

Юртимизда Муҳаммад Тожибоев каби иқтидорли, изланувчан ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда истеъдодлар ўз вақтида аниқланиб, қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса ёшларда ўзига бўлган ишончини ошириб, ёруғ келажак сари дадил одимлашига сабаб бўлган.

Муножат РАҲИМЖОНОВА, журналист

МАКТАБИГА САРМОЯ КИРИТГАН ЎҚУВЧИ

27 март — Халқаро театр куни

ТЕАТР — ИБРАТХОНА, ҚУТЛУҒ ТАРБИЯ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

“Ёзувчи юрагидагини қандай бўлса шундайлигича қоғозга туширади. Асарни сахнага олиб чиқадиган инсонлар унинг ёзганини ўз фитратидан ўтказиб, томошабинга етказиб бера олсагина, спектакль муваффақият қозонади”, деган эди Ўзбекистон халқ шоири, драматург Усмон Азим.

номидаги мукофот театр драматургларини, Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофот эса кўплаб ёш режиссёрларни янги-янги гоёларга ундаса, ажабмас. Ахир барча соҳаларда ёшларга берилаётган қатор имтиёз ва имкониятлар янги иқтидорларни кашф этишга сабаб бўлмоқда. Шундай ўй-хаёллар билан санъатнинг машаққатли йўлида мақсад сари оғишмай бораётган бир гуруҳ ёшларни даракладик. Зеро, уларнинг меҳнати, уринишлари қадрланиб, йилнинг энг яхши актёри, актрисаси, режиссёри сифатида эътироф этилди. Маданият вазири айтганидек, улар учун бу машҳурлик мукофот эмас. Бу — сийқидилдан халқимизга хизмат қилаётган ва эвазига ҳеч нарса кутмаётганларнинг, юракдан ишлаётганларнинг мукофоти. Соҳадаги ислохотлар, имкониятлар кашф этганда бундай юлдузлар сахна санъати осмонда ёрқин порлар экан, ўзбек театрининг эртаси порлоқ деган эзгу ниятда уларга қўлоқ тутдик.



Ёшлар миллатнинг жасоратли аёллари ҳақида кўпроқ билишини истайман

Севара ШОДИЕВА, “Йилнинг энг яхши театр актрисаси” номинацияси соҳибчи:



— Театрдаги илк ижром Жульетта роли бўлди. Дастлабки муваффақиятим учун яқинларим, устозларим, кўплаб томошабинларим илқ фикрлар эшитдим. Бироқ меҳнатларим эътирофиди “Туркистон болалари” спектаклидаги ролим — Хайринисо Мажиҳоновани кўпроқ эътибор берилди деб ўйлайман. Чунки бугунги ёруғ, бахтиёр куларга етишимизда жонини фидо қилган жадидлар, айниқса, жадид аёлларнинг ўрни катта. Улар асл қаҳрамонлардир! Ўтган йили Ўзбекистон давлат драма театрида Жавлон Жовлиевнинг “Қўрма” асари асосида ёзилган “Туркистон болалари” пьесаси режиссёр Расулжон Тоғайқулов томонидан сахналаштирилди. Спектаклдаги Хайринисо Мажиҳоновани ролим мен муносиб кўришимда елкамга оғир юк тушгандай бўлди.

қўйманг. Улар ўқимаса, ўзбек қизлари — мен кабилар беҳуда ўлиб кетган бўлаемиз”, дейди. Мана шу лаҳзаларда Хайринисо Мажиҳоновани кўпроқ яқинлашдим. Ўзимни Туркистоннинг гуллаб-яшнаши, хотин-қизларнинг билими бўлиши учун жонидан ҳам кечган аёл ўрнида тасаввур қилдим. Шу яқинлик, шу тасаввур елкамдаги юкни бир оз енгилатди.

Туркистондан Германияга ўқишга кетган талабалар орасида бўлган қаҳрамоним тиббиёт ва кимё соҳасида тахсилнинг дастлабки пайтларидаёқ кўплаб ютуққа эришган. Аммо бу қувонч узоққа чўзилмади. Собиқ иттифоқнинг Германиядаги элчихонаси талабаларнинг ўқишини хоҳламай, уларга турли тузоқлар қўя бошлади. Лекин ватан равнақи учун охиригача ўқишга қарор қилган ёшлар ортага қайтмади. Совет ҳукумати талабаларнинг моддий таъминотини ҳам чеklang қўйди. Улар барибир таслим бўлмади. Хайринисо эса кўчалардаги турли театр томошаларида иштирок этиб, дўстларига ҳам моддий ёлдам беради. Ўзига ўқини тамомлаб, ватанга қайтган ёшларни Чўлпон, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат каби жадидлар кутиб олади. Уларнинг ишлаши учун шароит яратиб беради. Қизлардан Хайринисо ва Марям шифохона очади. Хайринисо жуда кўп луғат китоблар тайёрлаб, кимёвий кашфиётлар қилади. Бироқ бу ҳам кўпга бормайди. Хукумат Хайринисо ва бошқа талабаларни турли бўҳтонлар билан қамқоқ олади. Отаси ватан хоини дея қамқоққа олинадиган пайтда Хайринисо барча айбони ўз бўйига олади. Спектаклда ҳаёлан отаси билан гап-лашган бу жасоратли қиз “Менинг тақдиримдан кўрқиб, сингилларимни ўқитмай

Давлатимиз раҳбари тарихий шахслар образини кўпроқ яратиб, уларни халққа таништиришга бош-қош бўлиб турибди. Бундай вазиятда театр актёрлари маза қилиб ишлади. Уларга бундай эътибор куч беради. Мен ҳам келгусида Бибиномин, Зебинисо, Тўмарис каби қаҳрамон аёллар ролини ижро этсам дейман. Буюк аждодимиз Алишер Навоийнинг Ширини сингари образларда ўзимни кўришни мақсад қилганман. Чунки ёшлар халқимизнинг жасоратли, матонатли аёллари ҳақида кўпроқ билишини истайман.

Актёр ҳар бир чиқишида имтиҳондан ўтади

мен учун эмас, миллат фидойилари учун қилинпти, дейман. Чунки халқнинг уларга ҳурмати балоид. Спектакллар орқали уларни янада яқиндан таниб, меҳри ортганини айтадиган мухлислар бор. Шунинг ўзи актёрга берилган баҳо.

Машаққатларга сабр қилиш, сахнани оиладек табаррук санаб асл театр одамнинг фазилати. Тўғри, шундай пайтлар бўладики, киндик қонинг тўкилган юрт соғинчи бутун вужудингни қамраб олади. Қишлоқда энг ёмон кўрган одамнинг ҳам узоқдан бир кўрсам дейсан. Бироқ вақт тинч, ҳаммаси кетма-кет келиб қолади. Репетицияларда банд бўламиз. Тадбирлар, спектакллар қаторлашиб туради. Ҳафта-ўн кунлаб, ундан ҳам кўпроқ муддатга гастролга кетамиз. Оилага ҳам кам вақт ажратамиз. Шунда бир хал ётади: шулар керакми менга? Бироқ оний бу ҳолатдан тез чиқиб кетилади, яна ишга чалғийсиз. Чунки театр сахнаси табаррук. Иписиз болгани қолгач, уни осонликча тарк эта олаймиз. Ҳозир-ку янги келганларни синаш муддати аввалгидай узоқ йиллаб чўзилмайди. Ўзим ҳам икки ярим-қарийб уч йил синода юрганман. Фарҳад Абдуллаев сахналаштирган “Кўнгли” спектаклида ўғил ролига ўзи хоҳлаб ишлайдиганлар бўлса келсин, дейилганда бажонидил борганман. Устозлар “Вой боложоним,

бизга шунақа кўзи ёниб турадиганлар керак, келинг”, деб илқ кутиб олган. Аста-секин каттароқ ролларни ҳам ижро этиб, ишга қабул қилидим. Бир устозимиз театрда қолиш учун етти йилдан ортик вақт юрганини айтганда ўзимча ғурурланганман. Ҳа, театрда ишга кириш учун йиллар давомида синодан ўтиш керак. Аммо бу синов тугади дегани эмас, театр актёри ҳар бир чиқишида имтиҳондан ўтади. Назаримда, ана шу синов, ҳаяжон завқи актёрни театрда иписиз боғлайдиган куч бўлса керак.

Озми-кўлими театрда ишлаб, устозлардан сабоқ олиб келим. Бу жараёнда театр иккинчи ўйимдек бўлиб қолади. Экранда кам кўришимиз сабаби ҳам шу. Кўчадан фанга пулли тақлиф бўлган ҳам театрдаги иш биринчи ўринда туради. Мабодо вақт орттириб, экранга чиқишга тўғри келса ҳам аввал сценарийни бир ўқиб кўраман. Чунки устозларим “Театр қилишимсан, демак, экранда ўйнайдиган ролингнинг ҳам салмоғи бўлсин”, дейди.

Улуғларнинг йўли шарафли экан. Чўлпон образи туфайли энг яхши актёр сифатида эъзозландим. Кўпчилик “Мукофот олишингиз биларимизнингиз?” деб сўрайди. Тўғриси, бир кун олдин ҳам номозим қўйилганда беҳабар эдим. Ваҳоланки, “Янги

Ўзбекистон юлдузлари” миллий мукофотининг тақдирлаш маросими бўладиган куни спектаклда роль ўйнашим керак эди. Ҳар доимгидек ролимга тайёрланиб юргандим, Маданият вазиридан кўнгирақ бўлди. Тақдирга тақлиф қилидим. Тақдирланишимни билмаганим учун ҳам шунчаки тақлиф қилишга деб ўйладим. Эртаси куни спектаклим борлигини айтиб, уэр сўрадим. Бир оздан сўнг яна ўша рақамдан кўнгирақ бўлди. Бояги йигит “Ака, яхши ният: мабодо мукофот олиб қолсангиз-у, ўзингиз бўлмасангиз галати-да”, деди. Қолаверса, театр раҳбарияти ҳам тақдирга боришим кераклиги, ролини партнёрим ўйнаб туришини айтди. Вазирликдаги йигитнинг гапларидан ниманидир сездимми, билмадим, негадир уйимда меҳмон бўлиб турган ота-онамни ўйладим. Уларни ҳам олиб боришга рухсат сўрадим. Тўғри қилган эканман, ота-онам жонли таятда энг қувончли дамларимга шерик бўлди. Исм-фамилиям эълон қилиниб, сахнага чиққанамда, уларнинг кўзида қувонч ёшини кўрдим. Шу ерғача етиб келишимнинг илк сабабчиларига сахнада туриб миннатдорлик билдирдим. Бағримга босганимда эса менинг ҳам кўзимдан севинч ёши тўкилди. Бахтинг энг юқори нуқтасида тургандек эдим. Тўғри, аввал ҳам тақдирланганман, кўплаб эътироф бўлган. Аммо энг яхши бўлишдек мукофот жуда ҳаяжонли, ўта масъулиятли рағбат. Номи каби ўзи ҳам энг яхши мукофот, энг яхши эътироф. Насиб этса, халқимизга ижоддан орқали миллат қаҳрамонларини яқиндан танитишга бор салоҳиятимни сарфлайман.



Ҳамза ҲАСАНОВ, “Шуҳрат” медалга соҳибчи, “Йилнинг энг яхши театр актёри” номинацияси соҳибчи:

— Ҳар қандай эътироф, мукофот, айниқса, театрда биргина кишига тегишли бўлмайди. Унда бутун жамоанинг меҳнати, атрофдагиларнинг йўл-йўриги, насихати муҳим омил бўлади. Фалон театр актёри деган гапнинг ўзи ўша театр жамоасининг биргаликдаги ширин заҳмати, меҳнатига ишора.

Устозимиз Турғун Азизов “Актёр халқи сал галати бўлади. Айтайлик, чўнтагинда да бир тийин йўқ, қорнинг оч. Рўзгорингда ҳам ҳеч нарса қолмаган. Бироқ битта ролинг учун томошабин гулдорус қарсақ чалса, ҳақ тўламаса ҳам меҳнатингга рози бўлиб кетарасан”, дер эди. Ростадан ҳам шундай. Томошабиннинг ҳайрати, давомли олқишига эришган ҳар бир кунимиз маош олгандай қувонамиз. Ўзбек Миллий академик драма театрида катта дароғхда Ҳамид Олимжон, Чўлпон, Усмон Носир ролларини ижро этар эканман, халқ олқишлаганда бу қарсақлар

Обид АБДУЛЛАЕВ, “Йилнинг энг яхши режиссёри” номинацияси соҳибчи:

— Фарғона вилояти мусикали драма театрида доим аҳил жамоа кучини ҳис қиламан. Уларнинг меҳри, бир-бирига хурмати ҳаётимга мазмун беради.

Президентимиз театр режиссёрлигига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Чунки маҳоратли режиссёрлар санокли. Ўртада тажрибали, катта авлод режиссёрлари билан узилиш бор. Шунинг учун ҳам ёш режиссёрларни, албатта, маҳорат мактабларида ўқитиш керак. Уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарвар, маънан юксак инсон сифатида тарбиялаш соҳага сезиларли таъсир ўтказиши. Нима учун жадид боболаримиз театрда кўпроқ уруғ берган? Чунки Учинчи Ренессансини куришда театрининг ўрни катта бўлишини улар яхши билган. Шунинг учун ўзлари асарлар ёзган, роллар ижро этган, жон-жаҳди билан тарғибот ишларини олиб борган. Шу йўл орқали халқнинг маънавиятини юксалтириш ҳақида ўйлаган.

Бугун мамлакатимизда театр санъати ривожига жиддий эътибор берилётгани сабаби ҳам шундан. Бир пайтлар соҳага етарлича эътибор қаратилмади. Оқибатда йўқотишлар бўлди. Ҳозир театр бинолари замонавий шаклда таъмирланмоқда. Бошқа имкониятлар ҳам кенгайган. Бу соҳадан четлашган кўплаб ходимларни ибратхонага қайтаряпти. Мунтазам рағбатлантиришлар, оиллик маош ошгани эса ишга иштиққни кучайтирди.

Санъатда ҳам спортдаги каби катта куч бор



Шунингдек, бугун дунё театр сахналаридан ортада қолмасликка ҳаракат қилинати. Спектаклларимиз чет элларда намойиш этилмоқда. Шу орқали кўплаб давлатларда ўзбек театри ўз ўрнини топиб бормоқда. Биз ҳам хорижийлик ҳамкасбларимизни дўстона кутиб олаймиш. Ижодий ҳамкорлик, касбий маҳорат алмашишга жадид йўлга қўйилати.

Чет эллик режиссёрлар билан суҳбатлашганимизда ўзбек режиссурасини янги босқичга олиб чиқиш ҳақида ўйлаймиз. Ўзбек режиссурасида ҳам туб бурилиш ясаб фурсати аллақачон келган. Қанча тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмасин, мажлислар ўтказилмасин, асл режиссёрларни топиб, имконият берилмас, уларга кенг йўл очилмас экан, туб бурилиш бўлмайди. Шунда тарихда

қолган “Олтин девор”, “Келинлар кўзгалони”, “Парвона”, “Темир хотин”га ўхшаган спектакллар пайдо бўлади.

Театр режиссёрлиги — катта бир йўналиш. Бироқ бу билан кино ёки телевидение режиссёрларини камситмоқчи эмасман. Чунки режиссёр борки, санъат одами. Қайси йўналишда бўлмасин, ўз ишини удалайди. Айтиш керакки, театр режиссёрлиги соҳасидаги имкониятлар, албатта, пойтахт даражасида эмас. Шунга қарамай, театримизнинг ўзига ишончи ортапти. Олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Саҳналаримиз замонавий жиҳозлар билан безилни арафасида. Шу ўринда пойтахтда қолиш имкониятим катта бўлганини айтишимиз истардим. Устозларим Шуҳрат Аббосов ва Баҳодир Йўлдошевдан таълим олиб, “Дийдор” театр студиясида тажриба орттирганман. Устозлар дуосини олган бўлсам-да, негадир вилоят театрида ишлагим келаверган. Насиб қилса, шу ерда ҳам ўрин топаман, деганман. Худого шукр, шундай бўлди. Бу йилги мукофотдан аввал ҳам кўплаб муваффақиятларга эришдик. Шукр Бурҳоновдан кейин “Шоҳ Эдип” спектаклини янгича услубда сахналаштириганимиз анча шов-шув бўлган, “Эътироф” мукофотига лойиқ қўрилган.

Ўтган йили “Қулолнинг армони” деган спектаклини сахнага олиб чиқдик. Янгича услубда, мусиқий безакларга бой ва миллий қадриятларимизга уйғун спектакль яради. Бош қаҳрамон — ҳаёда тирик инсон, риштонлик машҳур қулол Тоҳир Ҳайдаров. У

кўхна Риштон қулолчилик санъатини ибратли давом эттираётганлардан. Унинг ҳаёти ва фаолияти ўрнат олишга арзийди. Ватанпарварлиги миллийликка муҳаббатни ниҳоятда кучли. Тоҳир аканинг уйига борганимда бунга амин бўлдим. Қишлоғини бутун дунёга танитиш мақсадини олдиға қўйган қулолнинг армони ҳам шу туйғулардан яраландир, балки. Гап шундаки, қулол семимли шоири Мухаммад Юсуфнинг “Ватан” шеърини сопол лаганга туширган. Уй-музейига келган шоир қулолдан шу лагани беришини сўраган. Бироқ қулол шоирга бу лаган биринчи нусха экани, кейинги сафар келишига бошқа тайёрлаб беришини айтган. Орадан кўп ўтмай, Мухаммад Юсуф вафот этади. Қулолнинг армони унга шу лагани берагани бўлиб қолди. Шоирнинг оила аъзоларига Мухаммад аканинг шеърини туширилган кўплаб сопол идишларни совға қилса-да, қўнглининг бир четиди ўша армон яшайверади. Зеро, Тоҳир Ҳайдаров ҳам ватани Мухаммад Юсуфдай севади.

Мана шуларни эшитгач, спектаклни қисқа муддатда сахналаштириб бўлмаслигини тушундим. Ўша пайтда бу қандай спектакль бўлади, деганлар кўп бўлди. Ҳатто мухтаassisлар ҳам унинг муваффақиятига ишонгис келмаган. Спектакль сахна юзини кўргач, улар ҳайратини яширмади. Ижодий фикрлар билдирдилди. Айнан шу асар катта сахнада голиблик статускасини балоид кўтаришимга хизмат қилди.



Ўзбек театрининг илгор, ёш вакилларини тинглаб, кўнглимиз тоғдек кўтарилиди. Улар қайноқ ижод муҳитида тоблини, пишиб еттилатганидан хурсанд бўлиди. Бундай иштилувчан, ўз касбини севадиган ижодкорларга ҳар қанча шароит яратилса, арзийди. Дарвоқе, театр соҳасидаги йилнинг энг яхшилари орасида Қашқадарё вилояти кўнгирақ театрининг “Алп ўғлон” спектакли ҳам бор. Бу юртимизда театр санъатининг пойдевори бўлиш қўнгирақ театрларига алоҳида эътибор самараси. Фахр билан айтиш жоиз: ҳар йили ТУРКСОЙ Бош котиблиги ва Туркиянинг

“Тиятро” газетаси ҳамкорлигида бериладиган “Халқаро театр мукофоти” Сурхондарё вилояти кўнгирақ театри директори Олмадон Бердумуродовага ҳам насиб этди. Демак, театрларимизни пойдеворидан бошлаб ўзгартириш, мустаҳкам қилиб куриш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самара бера болади. Бундай ўзгаришлар фақат Тошкент шаҳридаги театрлар билан чекланиб қолмаётгани янада қувонарли.

Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

GAZETA DАGI МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.